# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 26 февраль, № 41 (5208) Шанба


# БОЛАЛАР СПОРТИ – ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ, УНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**



Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси Ислом Каримов ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида сўз юритиб, Жамғарма фаолияти ривожига давлат ва ҳукумат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик ва фермерлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшаётгани, уларнинг бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлаши туфайли бу ташкилот қисқа муддатда умуммиллий ҳаракатга айланганини қайд этди.

Бу ҳақда гапирар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди:

Ушбу йўналишда тўпланган тажрибамиз асосида хулоса чиқариш ва олдимизда турган вазифалар, мақсад-муддаоларимиз хусусида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Бунда, аввало, қуйидаги масалаларга, гарчи улар кўпчиликка маълум бўлса-да, яна бир бор эътиборимизни қаратиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

**Биринчидан**, фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, керак бўлса, спортга бўлган меҳрини айни ёш болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида, ҳақиқатан ҳам, доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз.

Ҳаётнинг ўзи бу фикрни ҳар қадамда тасдиқлаб беради. Бу фикр-хулосага ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, ўз тажрибамиз мисолида ишонч ҳосил қилишимиз қийин эмас, албатта. Яъни болаларимизни боғча ва мактаб ёшидан спорт оламига жалб этган ҳолда, бу борада кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир кичик боланинг ўзига хос катта дунёси борлигини унутмаслигимиз, бунга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

**Иккинчидан**, бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Шу асосда ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади.

Ўз устидан ғалаба қозониш деганда, мен ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини интизомга ўргатиш, айрим камчилик ва нуқсонлардан халос бўлиш, синовларни енгиб ўтишни назарда тутаман.

**Учинчидан**, ўз-ўзидан аёнки, болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас.

Бугунги кунда айнан спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб бораётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёда 7 миллиардга яқин аҳоли яшаётган бўлса, жаҳон миқёсида энг машҳур, таниқли шахслар — бу спортчилардир. Мана, ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон жамоаси қанча-қанча йирик давлатлар вакиллари орасида юксак шоҳсупага кўтарилганда, шахсан мен тўлқинланиб, ҳаяжонли бир ҳолатни бошимдан кечирдим. Ўйлайманки, бундай ютуқлар барча юртдошларимизга катта қувонч бағишлагани, шубҳасиз.

Ёки футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Осиё қитъасида ғолиб бўлиб, бу йил Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани бизнинг спорт ҳаётимиздаги тарихий воқеадир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, биз ўзбек спортининг халқаро майдонда ҳар томонлама муносиб ўрин эгаллашига интилар эканмиз, болалар спортини, ўсмирлар спортини тизимли асосда изчил ривожлантирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмаслигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур.

**Тўртинчидан**, болалар спорти биз ўз олдимизга қўйган буюк бир мақсадга эришиш учун, яъни баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етаётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида қандай беқиёс ўрин ва аҳамият касб этиши ҳақида бугун ҳеч кимга тушунтириб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Мана, кўряпсизлар, бугунги кунда мамлакатимизда юксак технологиялар асосида ишлайдиган қанча-қанча корхоналар фаолият кўрсатмоқда, уларда юртимиздаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда таълим олган минг-минглаб фарзандларимиз меҳнат қилмоқда. Болаларимизнинг мана шундай юқори малакали мутахассис бўлиб камол топишида, албатта, улар эгаллаган замонавий билим ва кўникмалар билан бир қаторда спорт билан шуғулланиб, соғлом, бақувват бўлиб ўсиб улғайгани ҳам муҳим омил бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу муносабат билан илгари айтган бир фикрни яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан: XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, кўпгина хорижий давлатларда шу мамлакат, шу халқни улуғлайдиган, дунёга танитадиган тасвирлар, яъни шоҳсупага кўтарилган спортчилар шанига давлат байроғининг кўтарилиб, давлат мадҳиясининг янграши билан боғлиқ лавҳалар таъсирчан равишда мунтазам намойиш қилиб борилади.

Ўйлайманки, бизнинг миллий телевидениемиз ҳам Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таратадиган айнан мана шундай лавҳаларни кўпроқ намойиш этса, она-юртимизнинг халқаро майдондаги тимсолини яратишга кўпроқ эътибор берса, катта маънавий, тарбиявий ишни амалга оширган бўлар эди.

**Бешинчидан**, биз мана шундай гўзал ва бетакрор, беқиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида туриши даркор.

Бу ҳақда фикр юритар экан, Президент Ислом Каримов масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳатига эътибор қаратди: кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини, маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, комплекс ёндашув натижасида аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, бир мисол келтириш жоиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди.

Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандай жиддий ўсиш суръатларига эришилаётгани яққол аён бўлади.

Шу билан бирга, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди. Сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошганини ҳам шу борадаги ижобий кўрсаткичлар сифатида қайд этиш жоиз.

Лекин биз бундай натижалар билан кифояланмасдан, ўз олдимизга янада улкан мақсадлар қўйишимиз, яъни тараққий топган давлатлар даражасига етиш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз зарур, деди мамлакатимиз раҳбари.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ўтган йил давомидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумки, 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини берди.

Йиғилишда 2010 йилда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурининг ижроси муҳокама этилди. Жумладан, ўтган йили 95 та объект ишга туширилгани, шунинг 61 таси қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Шунингдек, иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан тендер савдолари ва маблағларни қайта тақсимлаш натижалари бўйича қўшимча равишда 4 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани ҳам ижобий баҳоланди.

Бу йил "Баркамол авлод — 2011" спорт мусобақаларининг финал босқичи Сурхондарё вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан Термиз шаҳрида бир қатор янги болалар спорти мажмуалари қурилмоқда. Хусусан, 10 минг томошабинга мўлжалланган футбол-енгил атлетика майдонига эга бўлган универсал спорт зали барпо этилмоқда. "Кураш" спорт мажмуасини реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз Сурхон воҳасида биринчи марта ўтказилаётган бундай спорт мусобақасини мамлакатимиз ёшларининг катта анжумани, муҳим сиёсий-ижтимоий, маънавий аҳамиятга молик тадбир сифатида юксак савияда ўтказиш, бунинг учун пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини билдирди.

Футболни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2011 йилда Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида профессионал футбол клублари қошида болалар-ўсмирлар футбол клубларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, жорий йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 149 та объект, жумладан, 130 та болалар спорти объекти, 19 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу объектларнинг 118 таси қишлоқ жойларда бунёд этилади.

Мажлисда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган болалар спорти иншоотларининг, айниқса, сузиш ҳавзаларининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 111,1 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 116,8 миллиард сўмни ташкил этди. Хорижий валютадаги тушумлар эса 1,72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Айтиш жоизки, 2008 — 2011 йилларда маблағлар тушуми 55,9 фоизга кўпайди ва бу, ўз навбатида, ҳомийларнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва Жамғарма ишини фаоллаштиришга эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу сарф-харажатлар мақсадли амалга оширилди — болалар спорти объектлари ва иншоотлари, сузиш ҳавзаларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, 2010 йилда фойдаланишга топширилган спорт объектларини жиҳозлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қизларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш, спорт тадбирларини ўтказиш, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун ҳам тегишли маблағлар йўналтирилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва маҳаллий ҳокимликлар ўғил-қизларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш борасида фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга лойиқдир. 2010 йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизда 6 — 15 ёшдаги 1,6 миллион нафар ўқувчи спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ҳозирги кунда 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 34,5 фоизга, қизлар орасида эса 24,1 фоиздан 30,9 фоизга етди.

Айниқса, вилоятларда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказларнинг ташкил этилиши натижасида қизларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланиш имкониятлари янада кенгайди. Сўнгги икки йилда бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар сони уч баробар ошгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов йиғилишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этишини таъкидлади. Болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига атрофлича тўхталди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриётни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини сингдиради. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" дастурининг асосий маъно-мазмуни ҳам шундан иборатдир, деди Юртбошимиз.

Йиғилишда болалар спорти объектларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

2003 — 2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар спорти объекти умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди.

Мамлакатимиздаги Навоий кон-металлургия комбинати, "Файз" холдинг компанияси, "Совпластитал" қўшма корхонаси, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва бошқа корхоналарда, шунингдек, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида кенг турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, 2010 йилда "Ўз-Тонг-Хонг Ко" қўшма корхонасида баскетбол, футбол ва волейбол тўплари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида болалар спорти объектлари, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан жиҳозланмоқда. 2010 йилда фойдаланишга топширилган барча спорт объектлари белгиланган нормативларга мувофиқ ўзимизда тайёрланган спорт ускуналари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланди. 2011 йилда секундомер ва шахмат соатлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг келгуси фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов, Бош вазир ўринбосари Б. Хўжаев, халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очилов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

***Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — халқ депутатлари Кенгашларининг қонунларни ижро этиш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини олиб боришга қаратилган ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди.***



Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳар бир депутатидан, халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларидан юксак ташаббускорликни, қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорлар ижросини таъминлаш устидан амалий назоратни кучайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш йўлида тинимсиз изланишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг парламент юқори палатасида ўтказилган мажлисида Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг 2010 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга**

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.*

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органлар аралашувини кескин камайтириш, уларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги Фармони асосида қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ва янги таҳрирдаги Солиқ кодекси нормалари тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг қонуний асосларини белгилаб берди.

## Концепция: устувор вазифалар

(Давоми 2-бетда).

# МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми 2-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари томонидан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, туман ва шаҳар ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича муайян ишлар олиб борилаётир. Чунончи, мазкур вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар, "Баркамол авлод йили" Давлат, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ижро этиш натижалари сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенг муҳокама этилган. Сайловчилар билан ишлаш тизимини янада яхшилаш ҳамда фуқаролар мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳам таъсирчан чоралар кўрилган.

Шу билан бирга, Сенат комиссияси мажлисида ушбу вилоятлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятида мавжуд бўлган баъзи хато ва камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан депутатлик назоратини олиб бориш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда мансабдор шахслар масъулиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, доимий комиссиялар ишини кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётир.

Муҳокамада Сенат Комиссиясининг аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини бугунги кун талаблари ва истиқболли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама чуқур муҳокама этиш ҳамда танқидий таҳлил қилишни амалиётга киритиш кераклигини айтиб ўтдилар. Айни чоғда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтириш, қонун ҳужжатлари, давлат ва минтақавий дастурлар ижросини таъминлаш, депутатлар корпусининг ҳуқуқий билимларини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Кўриб чиқилган масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда Сенат қўмиталари раислари, комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари тадбиркорларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб келаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги қарорига биноан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишлар хўжалик судлари томонидан даъво иши юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилаётир. Хусусан, 2005 — 2010 йилларда хўжалик судлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги 83 712 та ариза кўриб чиқилган.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, Хўжалик процессуал кодексига тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг процессуал-ҳуқуқий тартибини белгиловчи нормаларни киритишга зарурат туғилмоқда. Яъни кодекснинг амалда бўлган таҳририда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқишни тартибга соладиган боб мавжуд эмас. Ваҳолонки, бундай ишлар алоҳида ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Шу боисдан Олий хўжалик суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритди.

Парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳаси айнан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини суд томонидан қўллашнинг процессуал тартибини белгилашга қаратилгандир. Лойиҳа одил судловни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мазкур қонун лойиҳасида хўжалик судлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати белгиланган. Айни чоғда бундай чораларни қўллаш тўғрисидаги аризаларга қўйиладиган талаблар, уларни кўриб чиқиш тартиби ишлаб чиқилган.

Эътиборли жиҳати, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилишини соддалаштириш мақсадида процессуал муддатлар сезиларли даражада қисқартирилган. Дейлик, ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўриш муддатини бир ойдан ўн беш кунгача, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши муддатини бир ойдан 10 кунгача камайтириш назарда тутилаётир. Айни чоғда апелляция шикоятини бериш муддати бир ойдан 10 кунгача, суднинг ҳал қилув қарорини тузиш ва тарафларга юбориш беш кундан уч кунгача қисқартирилиши таклиф этилмоқда. Пировардида ушбу тоифадаги ишларни умумий кўриб чиқиш муддатлари 70 кундан (умумий процессуал муддатлар бўйича) 30 кунгача камаяди.

Шу ўринда қонун лойиҳасида янги бир жиҳатни алоҳида қайд этиш зарур. Қонун лойиҳасига кўра, суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тадбиркорлик субъектини хабардор қилишни суд аризачига, яъни назорат қилувчи органга юклаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳуқуқнинг судга берилиши жавобгарнинг судда ҳозир бўлишини кафолатлайди ҳамда ишнинг тортишувлик тамойили асосида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, тадбиркорлик субъекти айбини унинг фаолиятини назорат қилиш ваколати юклатилган орган исботлаши кераклиги белгиланмоқда. Бундай норма тадбиркорлик субъектининг айбсизлик презумпциясини кафолатлаб, унга нисбатан асоссиз айб қўйилишининг олдини олишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг Хўжалик процессуал кодексига киритилиши бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиради, хўжалик судларининг ишини енгиллаштириб, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини муҳофазалашда янада мустаҳкам асос яратади. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳаётимизга изчил татбиқ этилишига хизмат қилади.

**Худойқул АЗИЗОВ, юридик фанлар номзоди, доцент.**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 20 ноябрдаги "Республика истеъмол бозорини айрим мактаб буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ўқувчи-ёшларни юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли мактаб анжомлари, ўқув воситалари билан таъминлаш имконини бермоқда.***

# ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Қарор ва ижро**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ташкил этилган брифингда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар хусусида сўз юритилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, таълим тизими раҳбарлари, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўзмат Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш баробарида уларни миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавияти, тафаккури ва бадиий дидини юксалтириш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда ўқувчиларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифатли, экологик талаб ва меъёрларга жавоб берувчи, миллий маънавиятимизга мос бўлган ўқув анжомлари, босма маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори таълим жараёни учун ишлаб чиқарилаётган босма маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, соҳага ихтисослаштирилган корхоналар фаолиятини такомиллаштириш ва уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, истеъмол бозорини ўқув жараёни учун сифатли босма маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида "Мактаб дафтарлари", "Умумий дафтарлар", "Кундалик рейтинг дафтари"га оид тармоқ стандартлари ишлаб чиқилиб, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан давлат рўйхатига олиниб, амалда қўллашга рухсат берилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика таълим маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, "Ўзстандарт" агентлиги, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг малакали мутахассисларидан иборат доимий ишчи гуруҳи дафтарлар қоғозининг сифати, шунингдек, муқоваларини миллий маънавиятимизга мос тарзда безаш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш масалалари билан шуғулланмоқда. Айни пайтда ёшлар руҳияти, дунёқараши ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи, сифатсиз ёзув дафтарларининг юртимиз ҳудудига кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган йил давомида 192 турдаги ўқув, умумий, расм, кундалик рейтинг дафтарларнинг миллий маънавиятимизга мос дизайнлари тайёрланиб, доимий ишчи гуруҳи назоратидан ўтказилди ва ишлаб чиқариш учун тавсия этилди. Шу билан бирга, матбаа корхоналарини техник ва технологик модернизациялаш, юқори қувватга эга ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимиздаги матбаа корхоналари томонидан 112 миллион 400 мингдан зиёд барча турдаги мактаб дафтарлари ишлаб чиқарилди.

Брифингда юртимизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари бугун ички бозорни дафтар маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга экани таъкидланди. Улар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш жараёнини янада унумли ва самарали тарзда йўлга қўйиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида "Ўзбекистон истеъмолчилари ахборот ресурслари" порталининг тақдимот маросими бўлди.***

# ЯНГИ ПОРТАЛ ТАҚДИМОТИ

**Тадбир**

Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакиллари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда реклама берувчи ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Маълумки, бугунги кунда бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида истеъмолчилар ҳуқуқларини янада кафолатли ва ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга талаб тобора ортмоқда. Шу муносабат билан бу борада жамоат назоратини кучайтириш ҳамда соҳага доир ахборот-маълумот тизимини яратиш зарурати юзага келаяпти. Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ташаббуси билан интернет тармоғида яратилган www.istemolchi.uz портали шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

— Эндиликда истеъмолчилар сайтимиз орқали нафақат ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши, балки қўмитамизга ҳуқуқларининг поймол этилиши юзасидан аризалар ҳам йўллашлари мумкин, — дейди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи Дилшод Азимов. — Зеро, ахборот технологияларининг тараққий этиши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг интерактив тизимини яратишни тақозо этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, биз сайт орқали электрон шаклда қабул қилинган аризаларни ўрганиб, уларни ижобий ҳал этишга кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Мисол учун, ҳозир мазкур портал ўзбек ва рус тилларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, истеъмолчилар бу ерда соҳага доир қонун ҳужжатлари билан танишиш баробарида, онлайн тизимида ҳуқуқий маслаҳат олишлари ҳам мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур янги портал мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини янада ишончли муҳофазалашга хизмат қилади.

**Сарвар ОЧИЛОВ.**

# ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

*Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли чекка қишлоқларда ҳам саноат тармоқлари кун сайин ривожланмоқда. Бунга Қарши туманидаги 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган Қовчин қишлоғида ишга туширилган корхоналар мисол бўла олади.*



**Интилиш**

Бу ерда тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати туфайли кейинги йилларда кўплаб кичик корхоналар барпо этилиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи узлуксиз таъминланмоқда. Яқинда "Бахт" фермер хўжалигининг раҳбари Иброҳим Холиёровнинг ташаббуси билан иккита цех ташкил қилиниб, қолипли нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошлангани бунинг тасдиғидир. Бу ердаги нон заводида кунига 1,5 тонна ун қайта ишланаётгани, макарон цехида соатига 100 килограммдан 9 хил маҳсулот тайёрланаётгани, уларнинг сифати юқорилиги алоҳида аҳамиятлидир.

Фермер қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урди. Гап шундаки, хориждан бир кеча-кундузда 3 тонна сутни қайта ишлайдиган технологик линия келтирилиб, уни монтаж қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мазкур кичик корхона фаолият бошлагач, аҳолига 10 хилдаги сут маҳсулотлари етказиб берилади.

**СУРАТДА:** Макарон цехи оператори Рустам Рўзиев.

**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

**Яхши хабарлар**

# Саноат маҳсулотлари кўпаймоқда

**Халқобод шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган "Поп ФЭН" хорижий корхонасида янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми 71 фоизга ўсди.**

Шу билан бирга, бу ерда тайёрланаётган калава ип маҳсулотларига хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Хусусан, корхонанинг 400 кишилик жамоаси ўтган йили 17 миллиард 680 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, шунинг 9,5 миллион АҚШ долларилик қисми жаҳон бозорига йўналтирилди.

Шу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар туфайли Поп туманида якунланган йилда 46,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Қорасув шаҳрилик тадбиркор Муҳиддин Назаров банкнинг 60 миллион сўмлик кредити ҳисобига "Имкон савдо элит" хусусий корхонасини ташкил этди.***

# Сифатли ва харидоргир либослар

24 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада эркаклар ва аёллар учун бежирим либослар тайёрланмоқда. Жамоа қисқа муддатда 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорлар эътиборига ҳавола этди.

Муҳими, ўтган йили Қорасув шаҳрида шундай кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 1 миллиард 339,8 миллион сўмни ташкил қилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Бунда, табиийки, инвестициянинг аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.***

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

## жадал ривожланиш ва иқтисодий юксалиш омилидир

**Қонун ва ижро**

Шу боисдан республикамизда истиқболли инвестиция дастурлари изчил рўёбга чиқарилаётир. Натижада биргина 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 13,6 фоиз кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилгани, айниқса, эътиборлидир.

Бу сармоялар, ўз навбатида, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш, хорижнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, тажрибаларини, замонавий технологияларни ўзлаштиришнинг муҳим омили бўлаяпти.

Шу ўринда юртимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай сармоявий муҳит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари мазкур қонун ҳужжатлари асосида чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли чоралар кўраяпти.

Маълумки, 1996 йил 30 ноябрда Президентимизнинг "Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Унга кўра, юртимизда ташкил этилаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги ва корхона иштирокчиларидан бири, албатта, хорижий юридик шахс бўлиши шарт. Шунингдек, корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизи хорижий сармоядорга тегишли бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Сурхондарё вилоятида ушбу Фармон ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилаётир. Бугунги кунгача вилоят адлия бошқармаси томонидан 35 та ана шундай корхона давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур корхоналарга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мунтазам мониторинг олиб борилаётгани ўз самарасини бераяпти. Хусусан, ўтказилган таҳлилларда аниқланган камчиликлар юзасидан Музработ, Бойсун, Қизириқ, Денов ва Узун туман ҳокимликларига мамлакатимизнинг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 1996 йил 31 майдаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда тақдимнома киритилди. Натижада 12 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, бир нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Булар, табиийки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат беради. Мисол учун, Ангор, Бандихон ва Денов туманларида бор-йўғи биттадан мана шундай корхона ташкил этилган. Ачинарлиси, уларнинг ҳам фаолияти тўхтаб қолган. Бойсун, Музработ, Қизириқ ва Шўрчи туманларида эса биронта ҳам бу турдаги корхона очилмаган. Бу мазкур туманлар мутасадди раҳбарлари томонидан чет эл сармоядорларини жалб этиш ишлари етарлича йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади. Ваҳолонки, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган 1996 йил 31 майдаги Фармонида тегишли идоралар ва тузилмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришга, энг аввало, уларнинг хорижий инвестиция жалб қилиш ва қўшма корхоналар очиш билан боғлиқ фаолияти асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида қайд этилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йилда инвесторлардан келиб тушган 10 та мурожаат кўриб чиқилиб, 23 та корхонага етказилган 12,6 миллиард сўмлик моддий зарар суд орқали ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестициявий муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хориж инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Айни чоғда, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Бу борада мустаҳкам кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш айни заруратдир.

**Отабек НОРБОЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### 111 йиллик автомобиль

***Яқинда Женевада ўтказиладиган халқаро моторшоуда “Porsche” компанияси 1900 йилда ишлаб чиқарилган, дунёдаги биринчи гибрид автомобилини намойиш этмоқчи.***



Фердинанд Порше томонидан яратилган ушбу машина Австриянинг “Hofwagenfabrik Ludwig Lohner & Co” корхонаси билан ҳамкорликда йиғилган. “Semper Vivus” (“Барҳаёт”) дея номланган автоулов ҳозир ҳам техник жиҳатдан соз. Унда иккита двигатель мавжуд бўлиб, ёнилғи ва электр қуввати билан ҳаракатланади.

“Semper Vivus” моторшоудан кейин Штутгарт шаҳридаги “Porsche” музейига олиб кетилади.

### Қадимшунослар муваффақияти

***АҚШнинг Аляска штати марказий қисмидан 11,5 минг йил муқаддам яшаган боланинг тана қолдиқлари топилди.***

Уни Фэрбанкс шаҳри университети археологлари Танан дарёси дельтасидан аниқлашган. Қизиқ жиҳати, ҳозиргача ўша даврда бу ҳудудда одамлар яшамаган, деб ҳисоблаб келинарди.

Шунингдек, қазишмалар чоғида тошдан ясалган деҳқончилик асбоблари ҳам топилган. Бу эса мазкур ҳудуд ўтмиши билан боғлиқ янги маълумотлар кашф этилишига туртки бериши айтилмоқда.

### Кўнгилсизлик учун жарима

***Хитойнинг Сучжоу шаҳридаги “iPhone” русумли мобиль телефонлари ишлаб чиқарувчи корхонада кўнгилсиз воқеа кузатилди.***



Гап шундаки, бу ерда телефонларнинг экранларини тозалашда заҳарли суюқликдан фойдаланилади. Ушбу жараёнда 137 нафар ишчининг соғлиғига зарар етган. Корхона мутасаддиларининг айтишича, жабрланганларга 15 минг АҚШ доллари миқдорида товон пули тўланган. Эндиликда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида этил спирти қўлланилмоқда.

### Таъмирлаш мақсадида қайтариб олинади

***Япониянинг “Toyota” компанияси АҚШда сотилган икки миллиондан ортиқ автомобилини қайтариб олишини маълум қилди.***

Мазкур автоуловларнинг 769 мингтаси “Toyota Highlander”, “Lexus RX 330”, “RX 350” ва “RX 400h” каби русумлар бўлиб, уларнинг ўтиргич қопламалари ҳамда тезликни оширувчи тепкиларида камчилик мавжудлиги аниқланган. Машиналар 2004 — 2007 йилларда ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, 2003 — 2009 йилларда йиғилган йўл танламайдиган “4Runner” русумидаги 600 минг дона автомобиль сервис хизматига жалб этилади.

“Toyota” бундай муаммога биринчи бор дуч келаётгани йўқ. Компания 2009 йилдан буён турли камчиликлари борлиги сабабли дунё бўйича 14 миллион донадан кўпроқ маҳсулотини қайтариб олишга мажбур бўлган.

### «Оскар» кимга насиб этади?

***Шу йилнинг 27 февраль куни Америка киноакадемияси “Оскар” мукофотининг навбатдаги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.***



Саксон учинчи бор ташкиллаштирилаётган тадбир Лос-Анжелес шаҳридаги “Кодак” кинотеатрида ўтказилади. Киношуносларнинг тахминига кўра, бу йилги маросимда “Қирол сўзлайди” фильми энг кўп — 12 та номинация бўйича ғолибликни қўлга киритиш учун яқин турибди. Шунингдек, “Қора оққуш” ва “Ижтимоий тармоқ” каби киноасарларнинг имконияти ҳам юқори.

Натали Портман ёки Николь Кидман йилнинг “Энг яхши актриса”си, Колин Фёрт эса “Энг яхши эркак актёр”и бўлиши мумкин экан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Асримизнинг дастлабки ўн йиллиги ўзининг кўплаб воқеа-ҳодисалари билан ёдда қоларли бўлди. Айниқса, молиявий-иқтисодий инқирознинг қисқа вақт ичида глобал даражага кўтарилиб, қатор давлатларни мураккаб аҳволга солиб қўйгани ҳамжамиятнинг муҳокама марказидаги асосий мавзулардан бирига айланди. Қайд этиш керакки, таназзул асоратлари қатор, айниқса, ривожланган мамлакатлар ҳаётида ҳамон сезилмоқда. Буни ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган хабарлардан ҳам билиб турибмиз.***

# МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

## Уни бартараф этиш учун барча давлатлар турли чоралар кўришмоқда.





Албатта, барқарорлик йўлига чиқиб олиш борасида ҳаракатлар давом этмоқда. Масалан, Швейцариянинг Давос шаҳрида ташкил этиб келинадиган анъанавий Жаҳон иқтисодий форумининг сўнгги учтаси айнан таназзулдан чиқиш чораларини излашга бағишланганини боиси ҳам шунда. Уларнинг якунлари, хулосалари ҳақида сўз юритишдан аввал, келинг, мазкур халқаро форумнинг юзага келиш тарихига қисқача тўхталиб ўтсак.

1970 йилда Женева шаҳрида “кўҳна қитъа”даги қарийб 450 та йирик компания раҳбарлари иштирокида симпозиум ташкил этилди. Ўшанда қатнашчилар халқаро нодавлат ташкилот — Европа менежменти форуми (ЕМФ)га асос солдилар. Унга аъзо бўлганлар ўртасидаги учрашувларни тоғли курортлари билан машҳур Давос шаҳрида ўтказиш бир овоздан қўллаб-қувватланди. Бунда Женева университети профессори Клаус Швабнинг ҳиссаси катта бўлган. ЕМФ миқёсидаги мажлисларда дастлаб дунё иқтисодиёти майдонидаги рақобат муҳитида Ғарбий Европанинг ўрнини мустаҳкамлаш масаласи диққат-эътиборда турган бўлса, кейинчалик унинг фаолият кўлами кенгайиб, бошқа қитъаларни ҳам қамровига олди. Шу боис 1986 йилга келиб ЕМФ номи Жаҳон иқтисодий форуми, дея ўзгартирилди. Бунинг баробарида Давос йиғини олдидан Марказий ва Шарқий Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ каби минтақалар доирасида бошланғич саммитларни ташкил этиш одатга айланди.

Анъанага кўра, давлат раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, турли тармоқлар, жумладан, нефть-газ, молия, медиа каби соҳалар вакиллари, эксперт-олимлар ушбу тадбирда тўпланишади. Улар ўндан ортиқ ялпи мажлис, семинар, учрашувларда иштирок этадилар. Эътиборлиси, ЖИФнинг мазкур йиғилишларида баённомалар тузилмайди, маърузалар расмий қайд этилмайди, резолюциялар қабул қилинмайди.

Ҳозир дунёдаги 50 дан ортиқ давлатларнинг 1000 га яқин компания ва ташкилотлари унинг аъзоси ҳисобланади. Форумнинг мақсади жаҳонда иқтисодий-ижтимоий ривожланишда учраётган тўсиқларни ҳал этишга доир таклифлар билдириш, бу борадаги қарашлар билан ўртоқлашиш ва фаровонликка эришишга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бўлиб ўтган сўнгги тадбирларда ҳам ана шу муддаога эришиш жуда муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, 2010 йилдаги 40-юбилей форум “Дунёдаги аҳволни яхшилаш: қайта англаш, тубдан ўзгартириш ва бунёд этиш” шиори остида ўтказилди. Ўшанда инқироз кескинлашган пайтлар эди. Шунга яраша йиғин меҳмонлари “Таназзул бизни қаерга олиб боради?” деган саволга аниқ жавоб топа олганлари йўқ.

“Бу йил ана шу ёқимсиз туман, бир оз бўлса-да, тарқагандек туюлди” деб ёзади яқинда якунига етган 41-форум ҳақида Буюк Британиянинг “Экономист” нашри. Сабаби, Давосда фаоллик ва келажакка бўлган умид бирмунча кучайгани сезилди. Ўзига хос саммитда глобал иқтисодиётни тиклаш йўллари, евроҳуддаги молиявий-иқтисодий муҳит муҳокама қилинди. Қатнашчилар таназзулнинг авж нуқтаси енгиб ўтилган бўлишига қарамай, нохуш вазиятлар яна такрорланиши мумкинлиги, шунинг учун кўзланган маррага етишиш мақсадида ҳали кўп тер тўкиш лозимлигини қайд этиб ўтдилар. Етакчи экспертлар инқироз асоратларини бартараф этиш 2015 йилга қадар чўзилишини тахмин қилаётганлари ҳам бежиз эмас. Чунки бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатларда вужудга келган кат-

**Шарҳ**

та миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги, давлат қарзларининг кўпайиб кетиши ва молиявий номутаносибликлар, фонд ҳамда хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетиши, молиявий кўпикларнинг баттар авж олиши, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфи билан боғлиқ оғриқли нуқталарни қисқа вақт ичида йўқотиб бўлмаслиги барчага аён.

Нуриэл Рубини сингари таниқли иқтисодчилар эса “кўҳна қитъа”да евронинг аҳволи, ижтимоий йўналтирилган сармоялар миқдорини пасайтириш эвазига давлат бюджетини камайтириш оқибатларидан хавотирда эканликларини билдирганлар. Масалан, Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон бу борадаги сарф-харажатларни 111 млрд. фунт стерлингга қисқартиришини маълум қилди. Италияда таълимга доимгидан кўра камроқ маблағлар ажратила бошланди. Чехияда тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ва соҳани модернизация қилишга бўлган эътибор пасайди. Франция ва Испанияда пенсия ёши узайтирилди. Ирландияда банклар, Грецияда эса ишлаб чиқариш ҳамда транспорт соҳасининг кўплаб вакиллари жар ёқасига келиб қолди. Пиреней яриморолида ишсизлик авжига чиқди. Булар ижтимоий мувозанатга путур етказди. Кўплаб норозилик намойишлари бўлиб ўтгани фикримиз тасдиғидир.

41-форумда бу каби нохуш манзараларни бартараф этиш хусусида қатор фикрлар билдирилган, мунозаралар кузатилган бўлсада, ҳали-бери тўлақонли стратегик тўхтамга келиш имконсизлиги янада ойдинлашди. Бу эса “Ҳақиқат баҳсларда туғилади, лекин Давосда эмас” қабилидаги хулосага келишга асос бўлди. Молия соҳасини ислоҳ қилиш хусусидаги ёндашувларни олиб кўрайлик. Кўплаб хориж давлатлари банк соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, тўғрироғи, қатъийлаштириш, банк операциялари учун қўшимча солиқларни жорий этиш, имтиёзларни камайтиришни ёқлаб чиқаётган бўлса, бошқалар, аксинча, молиявий секторни қувватлаш ҳамда глобал миқёсдаги валюталарни тартибга солиш инқироздан чиқишнинг энг мақбул йўли демоқда. Хуллас, навбатдаги анжуман кутилган якдилликка эришиш учун яна бир нечта қовун пишиғи борлигини кўрсатиб қўйди.

Биз ҳар гал иқтисодий мавзуда, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақида тўхталганда, мамлакатимиздаги мавжуд ҳолатни, албатта, алоҳида ғурур билан тилга олиб ўтамиз. Чунки халқаро миқёсда мана шундай оғир вазият ҳукм суриб турган бир пайтда юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган натижалар, барқарор ўсиш суръатлари ҳар қанча ғурурланишимизга арзийди. Кўпчиликнинг Ўзбекистон танлаган ўзига хос йўлга бўлган қизиқиши яна бир поғона ортгани ҳам шундан. Ушбу йўл Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган бўлиб, тараққиётнинг “ўзбек модели” дея эътироф этилади. Яъни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, бунда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши, етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш каби чоралар кутилган самараларни бермоқда. Масалан, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этди. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Шунингдек, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, “Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради”.

Мухтасар айтганда, ўз вақтида узоқни кўзлаб ва пухта асосда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар қандай вазиятда ҳам “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” шиорининг нақадар ҳаётий эканлигини исботламоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

***Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар барча жабҳаларда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли модернизация ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ушбу масала хусусида сўз юритар экан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.***

# ЮҚОРИ СИФАТ, МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

## телефон тармоғидан фойдаланувчиларга манзур бўлмоқда



Жумладан, жорий йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни татбиқ этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтириш кўзда тутилгани бунга мисол бўла олади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси ҳам ана шундай ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда ўз фаолиятини йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда. Хусусан, ўтган йили филиал тармоқларининг қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 213 минг 890 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 319 минг 930 нафардан ошиб кетди. Соҳадаги мавжуд хизмат турлари эса 288 469 тага етказилди.

— Бундан ташқари, тизимда олиб борилаётган модернизация ишлари натижасида 100 та объектга 52757 метр узунликдаги оптик толали алоқа тармоғи ётқизилди, — дейди Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали раҳбари Абдурашид Абдумўминов. — 100 та иншоотга оптик бокс ўрнатилгани, яна шунча иншоот электр таъминотига улангани натижасида абонентларимиз сафи яна 607 тага кенгайди. Ўз навбатида, “Янгиобод”, “Мирзо Улуғбек”, “Марказ”, “Чилонзор”, “Миробод” ва “Олмазор” телефон боғламаларида хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Пировардида мижозларга 14 минг 574 та телефон ўрнатиб берилди. Унинг 8017 таси аҳоли ҳиссасига тўғри келади.

**Модернизация**

Айни пайтда мижозларга тақдим этилаётган замонавий хизмат турларини кўпайтириш филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборидаги масаладир. Хусусан, янги жорий этилган замонавий “Call-Centr” хизмат тури орқали ўтган даврда 7 миллион 526 минг 760 абонентга зарур маълумотлар етказиб берилган бўлса, 62 та мижоз “виртуал офис”, “табрикнома”, “тунги эртаклар”, “пазандалик рецептлари” сингари хизмат турларидан фойдаланди. Қолаверса, улар қаторига “кўнгилочар портал Mobil Tel”, “телеовоз бериш” хизматлари ҳам киритилди. Ушбу хизмат турларини оммалаштириш мақсадида “МТС”, “Perfectum Mobile”, “Buzton” ва “Unitel” қўшма корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, уларнинг мижозларига ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳозир ҳудуддаги барча телефон боғламаларида абонентларга қарздорликка оид хабарларни автоматик тарзда етказиб бериш хизмати жорий этилгани ҳам қўшимча қулайлик туғдирмоқда.

Албатта, бундай муваффақиятлар жараёнида малакали кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда филиал мутахассисларининг Корея Республикасидаги Сеул экспертлар ўқув курслари, Москва шаҳридаги “Инверсон технложиес”, Санкт-Петербургдаги “Прогресс” маълумот марказида ва республикамизнинг энг кўзга кўринган олий ўқув юртларида тажриба ҳамда малака ошириб қайтдилар.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали мутахассислари аҳолига янада намунали хизмат кўрсатиш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган Дастур ижросини таъминлашга киришган. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланишидан далолатдир.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.** t

# ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

***Пойтахтимиздаги муҳташам “Истиқлол” санъат саройида “Истиқлол умидлари” ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан ташкил этилди.***

Фестивалда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Давлатимиз раҳбари ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилди. Болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. 2010 йилда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ўсмирлар билиб-билмай ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

**Тадбир**

— Шу йилнинг 7 — 8 январь кунлари пойтахтимизнинг барча туманларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг тарбиявий-маърифий салоҳиятини ошириш бўйича семинарлар ўтказилганди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси Дурдона Қосимова. — Мазкур тадбирларда мингга яқин мактаб ўқувчилари қатнашиб, улар турли касб ва фан тўгаракларини, спорт мусобақаларига жалб этилди, Бу, албатта, ёшларни турли салбий таъсирлардан ҳимоялашда, келгусида ўз соҳасининг билимдони бўлиб етишишида, иш билан таъминланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фестиваль доирасида санъат, спорт усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури намойиш қилинди. Турли кўргазмалар, ёзувчи ва шоирлар билан ташкил этилган учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Элдор МАДАТОВ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 35-бандига мувофиқ, протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситалари хариди бўйича танловда иштирок этиш кўрсатган таклифларни қабул қилиш муддати 2011 йил 7 март соат 17.00 гача узайтирилганлигини эълон қилади.

*Мазкур тендер танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон 2011 йилнинг 5 январида «Халқ сўзи» газетасининг № 3 (5170) сонида чоп этилган.*

Қўшимча маълумотларни **(8-371) 239-88-45, 239-88-46** телефонлари орқали олиш мумкин.

**Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.**

***Мамлакатимиз аграр секторини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарасини бугун Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида вилоятда 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган эди.***

# МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Унга кўра, 4 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, мазкур ташкилотлар зиммасига ирригация-мелиорация объектларини реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш бўйича 13 та лойиҳани рўёбга чиқариш вазифаси юклатилди. Ўтган даврда бу жамоалар томонидан Марказий Фарғона чўлида 2 километрлик янги коллектор тармоқлари қурилди, салкам 40 километрлик ёпиқ-ётиқ зовурлар қайта тикланди, 4 та янги насос станцияси фойдаланишга топширилди, 114 та зах қочириш қудуғи ишга туширилди. Риштон ва Боғдод туманларида барпо этилган насос станциялари эса ерларнинг сувга бўлган эҳтиёжини яхшилаш имконини берди.

**Фармон ва ижро**

Шу билан бирга, водийнинг “кумуш камари” ҳисобланган Фарғона каналида ҳам кенг ҳажмда тозалаш-таъмирлаш тадбирлари олиб борилди. Бу юмушларни сифатли уддалашда 324 нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим қатнашди. Натижада канал орқали Андижон вилоятида 38 минг гектар, Фарғона вилоятида 110,6 минг гектар ерда экинларни сув билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, 5 та бульдозер ёрдамида унинг 7,35 километрлик қисми механик тозаланиб, 82 минг кубометр ҳажмда иш адо этилди. 390 та гидроиншоот ва гидропост таъмирланди. 2865 кубометрлик тупроқ, 89 кубометрлик бетон қуйиш ишлари ниҳоясига етказилди.

“Қишки қаров — мўл ҳосилга гаров”, дейишади. Бунинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунган ирригатор ва мелиораторлар айни кунларда ҳам мавжуд сув объектларини реконструкция қилиш, тиклаш-таъмирлаш ишларини жадал амалга оширмоқдалар. Буларнинг бари, ўз навбатида, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратмоқда.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲИНД ДИЁРИДА ЎЗБЕК САНЪАТИ ТАРАННУМИ

***Ҳиндистоннинг Харьяна штатидаги Суражкунд боғида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган меҳмонларни ўзининг ажойиб санъати билан мафтун этган ҳинд фольклори ва халқ амалий санъатига бағишланган "Суражкунд Крафтс Мела" — XXV юбилей фестивали ўтказилди. Фестивалда Ўзбекистон мазкур тадбирни ташкил этишда ҳамкорлик қилган давлат сифатида бевосита иштирок этди.***

Ҳар бири алоҳида байрамга айланиб кетадиган Ҳиндистон фестиваллари ранг-баранг бўлиб, уларда ҳинд халқининг руҳияти ёрқин акс этади, мамлакатнинг бой анъаналари намойиш этилиши баробарида, кўп сонли фестиваль мухлислари қалбига шодхуррамлик бағишлайди.

Ҳиндистоннинг барча штатларидан келган ҳунарманд усталар қўл меҳнати билан тайёрланган миллий ёдгорлик буюмларини жамоатчилик эътиборига етказишга кўмаклашиш мақсадида ҳар йили анъанавий "Суражкунд Крафтс Мела" ярмаркаси ўтказиб келинади. Унда қобилиятли, юксак маҳоратли маҳаллий ва хорижий ҳунармандлар ўз ижодий маҳсулотларини намойиш этади. Маданий дастурлар ва миллий таомлар ушбу ярмарканинг ажралмас қисми бўлиб, унга янада шукуҳ бағишлайди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ҳиндистоннинг турли вазирлик ва идоралари, мамлакатда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпуслар вакиллари, Харьяна ва Андра Прадеш штати раҳбарияти, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар доираларининг таниқли намояндалари, журналистлар ҳамда меҳмонлар жам бўлишди.

Ҳиндистон туризм вазири Субодх Кант Сахай ўз маърузасида ушбу фестивалга мамлакатнинг барча штатлари ва унга қўшни давлатлар вакиллари билан бирга, анъанага кўра, чет мамлакатлардан кўплаб меҳмонлар ҳам таклиф этилганини маълум қилди.

Мамлакатимиз ушбу фестивалда бир неча йиллардан буён қатнашиб келмоқда. Тадбир ташкилотчиларининг эътироф этишича, Ўзбекистоннинг аввалги иштироки барча фестиваль қатнашчиларида ёрқин таассурот қолдиргани боис, бу йилги XXV юбилей фестивалига айнан Ўзбекистонни ҳамкор мамлакат сифатида таклиф этишга қарор қилинди.

### Эътироф

Юртимизнинг мазкур тадбирдаги иштироки хусусида тўхталар экан, Ҳиндистоннинг Харьяна штати ҳукумати бош котиби Урваши Гулати ўзбек ва ҳинд халқларининг узоқ ўтмишга бориб тақалувчи дўстона муносабатлари ҳар иккала мамлакатнинг бой санъати ва маданияти вакиллари учрашувларида ўз тасдиғини топаётганига эътибор қаратди.

Фестивалда республикамизнинг "Ўзбекистон" ва "Тарона" ижодий жамоалари иштирок этди. Томошабинлар юртимиз санъаткорлари ижросидаги нафис ва ранг-баранг рақслару миллий куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар. Бундан ташқари, ижодий жамоаларимиз дастуридан ўрин олган мафтункор ҳинд рақслари ҳам йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

***— Ўзбекистонлик санъат усталари ўзларининг бетакрор чиқишлари билан фестиваль дастурини янада бойитиб, тадбирга байрамона кайфият бахш этди, — деди Харьяна штати ҳукумати катта котиби Маха Сингх.***

Фестиваль қатнашчилари миллий халқ амалий санъатимизнинг бой намуналари билан яқиндан танишиш баробарида, ўзбек миллий пазандачилигининг тансиқ таомларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.



Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуман дунёнинг кўплаб мамлакатлари миллий халқ амалий ва фольклор санъати намуналарини янада оммавийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу йилги "Суражкунд Крафтс Мела" фестивалига сайёрамизнинг турли бурчакларидан бир миллиондан ортиқ меҳмонлар ташриф буюрди. Бу хорижий давлатларда ушбу тадбирга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётганидан дарак бериши билан бирга, барча иштирокчи мамлакатлар ўртасида ўзаро маданий-маърифий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиши, шубҳасиз.

**«Жаҳон» АА.**
Харьяна, Ҳиндистон



***Музейлар — ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Геология музейи эса бу ерга ташриф буюрувчиларни нафақат мозийга дахлдор тарихий экспонатлар, балки Ер юзидаги энг ноёб минераллар, қазилма бойликлари, ҳайвонот ва наботот қолдиқлари ҳамда бошқа топилмалар билан ҳам таништиради.***

# АНТИҚА АТИРГУЛЛАР ВА ДИНОЗАВР ҚОЛДИҚЛАРИ

Ушбу маданий масканда мамлакатимиз геология фани ва амалиётининг барча йўналишларини қамраб олган экспозициялар жойлаштирилган бешта зал мавжуд бўлиб, улардаги моддий ашёлар муайян бир давр ва жараёнлар ҳақида ҳикоя қилади. Жумладан, кириш залидан Ернинг шаклланиши ва ривожланишининг турли назарияларини тавсифловчи материаллар жой олган бўлса, кейинги залларга мамлакатимиз ҳудудидан аниқланган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб топилмалари, тоғ саноати тарихи ҳамда жаҳон геологик меросини тавсифловчи экспонатлар жойлаштирилган.

Музейимизда дунё тамаддуни, илм-фани ва юртимизнинг ноёб геологик меросига дахлдор экспозициялар мавжуд бўлиб, улар билан танишиш асносида табиатнинг мўъжизакор кучига яна бир бор тан берасиз. Негаки, "Сахара атиргуллари", тоғ жинсидаги феруза "томирлар", тошда қотиб қолган қадимий ўсимликлар ва ҳайвонлар қолдиқлари — буларнинг бари кишини ҳайратга солади.

Маълумки, геология музейи илмий даргоҳ ҳисобланиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талаба ҳамда ўқувчилари бу ерда ўқув машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Зеро, бўлажак мутахассислар тоғ жинслари ва минералларни ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлишади. Дарсларнинг шу тариқа амалиёт билан уйғун олиб борилиши, табиийки, соҳага қизиқувчилар сони ортишига сабаб бўлмоқда. Масалан, биргина 2010 йилда ушбу



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

даргоҳга 50 минг нафардан зиёд томошабин ташриф буюрди. Улар орасида ўқувчи ва талабалардан ташқари сайёҳлар, хорижлик меҳмонлар ҳам бор.

Бугунги кунда музейимизда 50 мингга яқин турли экспонат мавжуд бўлиб, улар орасида Ер юзидаги қазилма бойликлардан тортиб, тарихий геология ва палеонтология топилмаларигача бор. Энг муҳими, бу ердаги экспозицияларнинг ҳар бири миллион ва ундан зиёд йиллар тарихидан "сўзлайди". Сўнгги йилларда эса археологик қазишма ишлари давомида топилган ва узоқ асрлик тарихга эга бўлган буюмлар, тоғ жинслари, ҳайвонот ҳамда наботот қолдиқлари ҳисобига музейдаги экспонатлар сони уч мингтага кўпайди.

Тарихдан маълумки, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн

### Мозийдан садо

Сино ҳам барча минералларнинг хусусиятини ўрганган ҳолда малҳам яратган бўлса, Абу Райҳон Беруний минералогия ҳақида рисола ёзган. Бундан кўриниб турибдики, улуғ бобокалонларимиз ҳам геология ва минералогия фанлари билан жиддий шуғулланиб, ушбу соҳаларнинг илм-фан ривожида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этганлар. Шу маънода, бугун ҳам ёшларимизни геология соҳасига қизиқтириш, улар орасидан билимдонларни саралаб олиш мақсадида амалий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бир неча йилдан буён "Ёш геолог" республика кўрик-танловининг ўтказиб келинаётганлиги бунинг бир тасдиғидир. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида "Ёш геолог" тўгараклари ташкил этилиб, соҳага кўплаб иқтидорли ёшлар жалб қилинмоқда. Музейда ҳам ёшларнинг бу борадаги тушунча ва тасаввурларини бойитиш мақсадида, мамлакатимизнинг минерал хом ашё салоҳиятини акс эттирувчи турли кўргазмалар, тақдимотлар, хорижлик ҳамкасблар билан биргаликда геологик тадқиқотлар ўтказиш, ер ости бойликларини ўзлаштириш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик масалаларига оид учрашувлар доимий ташкил этиб борилади.

Бундай тадбирлар илм-фанимиз ривожи йўлида ўқиб-изланишни ният қилган ёшларимизни сайёрамиз ва юртимиз бағридаги ноёб бойликлар билан таништириш, улар қалбида она-табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотишга хизмат қилади.

**Аҳмаджон АҲМАДШОЕВ,**
**республика Геология музейи директори.**

### Танлов

**Тошкент шаҳар "Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар" жамоат бирлашмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган "Ёш тадбиркор — 2011" кўрик-танлови ўтказилди.**

# Ҳунарманд қизлар баҳси

Унда тадбиркор қизлар бир неча шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Айниқса, "Ҳуқуқингизни биласизми?", "Бизнес-режа" , "Спорт мусобақаси" шартлари бўйича иштирокчилар ўртасида ўтказилган мусобақалар ёшларнинг ҳар томонлама билимдон, жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳият соҳиблари эканлигини намоён этди.

— Бу танлов ёшларни тадбиркорликка қизиқтиришда катта аҳамиятга эга, — дейди тадбир иштирокчиси, "Инновацион ғоялар тарғиботчиси" номинацияси ғолиби Камола Арзуматова. — Масалан, менда ўзимга бўлган ишонч янада ортди, тадбиркорлик билан шуғулланаётган тенгдошларим билан танишдим. Келгусида улар билан ҳамкорликда иш юритмоқчимиз.

Танловда, шунингдек, иштирокчилар томонидан тайёрланган зардўзлик, каштачилик буюмлари, миллий қўғирчоқлар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**






## МАДАНИЯТ *хабарлари*

***Наманган шаҳридаги "Ўзбекистон" кинотеатри мукаммал таъмирлангач, мазкур иншоот кўркам қиёфа касб этиб, бу ерда томошабинларга қўшимча қулайликлар яратилди.***

# Киномухлислар учун қулайлик

Бунинг учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Жумладан, бинонинг иситиш ва электр энергияси тармоқлари янгиланиб, замонавий киножиҳозлари билан таъминланди. 350 нафар томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хотира уйғоқдир

***Гулистон давлат университетида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.***

Анжуманда сўзга чиққанлар Тўра Сулаймон ижодида она-Ватан тараннуми, муҳаббат, ғурур, ор-номус, миллий қадриятларимизга садоқат тушунчалари етакчи ўринни эгаллаши ҳақида тўхталдилар. Унинг бирибиридан гўзал, бетакрор шеърларида шоирнинг болалиги кечган Бахмал кенгликлари, қир-адирлари, бағрикенг одамлари акс этиб тургандай. Шеърларидаги бахшиёна сатрлар, халқ оғзаки ижодига яқинлик ҳар қандай ўқувчини ўзига жалб этади.

Кечада ёшлар томонидан шоир қаламига мансуб шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради.

**Мухтасархон КАРИМОВА.**

## ОБ-ҲАВО (26 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 15-20, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-11, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса кечаси 15-20, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қор ёғади. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-11, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда қор ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Қор ёғиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-8, кундузи 3-5 даража совуқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

*Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Малака ошириш марказига тегишли МО 069121, МО 066922, МО 069084, МО 069090, МО 069097-сонли сертификатлар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси физика-математика фанлари доктори, профессор
**Латиф ХОДЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекфильм" киностудияси жамоаси автоцех бошлиғи
**Алишер ЮЛДАШЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77262 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.00 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5